

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-сентябрь ойларида Хоразм вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 7675,1 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 4,4 % га ўсди.

2018 йил январь-сентябрь ойлари якунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 4228,5 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 2,7 % га ошди.


Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМ ни шакллантиришда Хоразм вилоятининг қўшган хиссаси 3,1 % ни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ни ишлаб чиқариш

	Млрд.сўм		2017 й. январь-сентябрга нисбатан % да
	2017 йил январь-сентябрь	2018 йил январь-сентябрь	
I. ЯҲМ	5895,5	7675,1	104,4
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	5665,4	7339,5	104,3
Маҳсулотларга соф солиқлар	230,1	335,6	107,4
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	5665,4	7339,5	104,3
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1696,5	2334,6	100,3
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	1429,8	1976,3	109,6
саноат	965,1	1385,6	111,5
қурилиш	464,7	590,7	105,8
Хизматлар	2539,1	3028,5	103,9
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	462,6	582,1	104,5
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	612,1	669,2	105,3
бошқа хизмат тармоқлари	1464,4	1777,2	103,1

Худуд иқтисодиётининг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯХМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, саноат – 111,5 % (ЯХМ таркибидаги улуши 18,9 %), қурилиш – 105,8 % (8,0 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 105,3 % (9,1 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 104,5 % (7,9 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати –100,3 %, (31,8 %), ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 103,1 % (24,3 %) ни ташкил этди.

2018 йил январь-сентябрь ойларида ЯХМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари




Худуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯХМнинг 95,6 % ини, маҳсулотларга соф солиқлар эса, 4,4% ини ташкил этди.


Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯХМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 1,9 % пунктга ошди ва ҳисобот йилида 31,8 % ни ташкил этди. Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғининг улуши 1,7 % пунктга ошди ва 26,9 % ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ЯХМ таркибидаги улуши 2018 йил январь-сентябрда 41,3 % ни ташкил этди ва 2017 йилниг шу даври (44,9 %) билан таққосланганда -3,6 % пунктга камайди.

**Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби
(жамига нисбатан фоизда):**

2017 йил январь-сентябрь




2018 йил январь-сентябрь



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши – 7,9 % ни (2017 йил январь-сентябрь 8,2 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 9,1 % ни (2017 йил январь-сентябрь 10,8 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 24,3 % ни (2017 йил январь-сентябрь 25,9 %) ташкил этди.

**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
(жамига нисбатан фоизда):**



- савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар

**Статистика фаолиятини ташкил этиш ва
йиғма ахборот-таҳлилий ишлар бўлими**
Нашр учун масъул: М.Султанмуратов
Тел: (0-371) 230-87-65